

ТАСДИКЛАЙМАН

Мархамат туман ММТБ

Бошлиғи

С.Шамшиева

21.10.2024 йил

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Энг яхши таклифни танлаб олишнинг маълумот жадвали

Ушбу бўлимда танлов предмети билан боғлиқ аниқ қондалар, шунингдек танлов хужжатларининг талаблари ҳақида маълумот келтирилган.

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотлар
1	Буюрмачи:	Мархамат туман ММТБ
2	Танлаш мазмуни:	Мархамат туман ММТБ қарашли мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларига моддий техник базасини ривожлантириш учун моддий қийматликлар сотиб олиш
3	Танлов рақами:	http://etender.uzex.uz/ веб сайтида эълон қилинди.
4	Буюрмачининг манзили:	Андижон вилоят Мархамат туман Мустақиллик кўчаси №137 Шхв: 401722860032277092100072040 МФО: 00035. ИНН:200286343. Ўзбекистон Республикаси МВ ғазначилик бўлими х/р: 2340200030010001010 Мрқазий банк Тош.шах. ББ ХККМ МФО: 00014. ИНН: 201122919 Тел:+99891 483 01 51
5	Танлов эълонлари эълон қилинди	Махсус маълумот портали: http://etender.uzex.uz .
6	Иштирокчилар танловда иштирок этишларига рухсат этилади:	Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ
7	Талаб этиладиган хужжатлар:	Ташкилот гувоҳномаси, лицензия, низоми.
8	Иштирокчиларнинг танлов хужжатларига аниқлик киритиш учун ариза топшириш муддати:	Танлов таклифини топшириш муддати 2 кун олдин.
9	Танлов таклифини амал қилиш муддати:	Танлов таклифлари тугаган кундан бошлаб 5 кун.
10	Танлов таклифларини қабул қилиш:	Таклиф юбораётган ташкилот умумий маълумот банкротлик, қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслигини маълумотнома тасдиқловчи қафолат хати. Коррупция ҳолатига йўл қўймаслиги тўғрисида иштирокчиларнинг ёзма тасдиқланган аризаси. Қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумот. Таклиф юбораётган ташкилот иш тажрибасига (шартномалар илова қилиши шарт) эга эканлиги тўғрисида маълумот: Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги. Қафолат хати. Охриги йиллар молиявий ҳолати тўғрисида маълумот. Фирма раҳбар ходимлари ва ишчилари паспорти, дипломи сканер қилиб жойлансин.

11	Танлов танлов таклифларини тақдим этиш:	Танлов ҳужжатларини электрон тарзда тўлиқ жойлаштириш.
12	Шартнома бажариш учун хавфсизлик миқдори:	Олдиндан 30% аванс сифатида, қолган 70% барча шартномавий мажбуриятлар бажарилгандан кейин.
13	Буюртмачининг дастлабки бошланғич нархи.	297 100 000 (Икки юз туксон етти миллион бир юз минг) сўм
14	Танлов тили:	Ўзбек тили
15	Молиялаштириш манбаи:	Давлат Бюджети ҳисобидан
16	Шартнома валютаси:	Сўм

ТАСДИҚЛАЙМАН

Мархамат туман ММТБ

Бошлиғи

Б.Шамшиева

21.10.2024 йили



**Мархамат туман ММТБ қарашли мактаб ва мактабгача таълим
ташкилотларига моддий техник базасини ривожлантириш учун моддий
қийматликлар сотиб олиш хариди юзасидан энг яхши таклифларни танлаш
бўйича харид қилиш ҳужжатлари**

Тошкент-2024 йил

ТАСДИКЛАЙМАН

Мархамат туман ММТБ

Бошлиғи

С.Шамшиева

21.10.2024 йил

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Энг яхши таклифни танлаб олишнинг маълумот жадвали

Ушбу бўлимда танлов предмети билан боғлиқ аниқ қондалар, шунингдек танлов хужжатларининг талаблари ҳақида маълумот келтирилган.

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотлар
1	Буюрмачи:	Мархамат туман ММТБ
2	Танлаш мазмуни:	Мархамат туман ММТБ қарашли мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларига моддий техник базасини ривожлантириш учун моддий қийматликлар сотиб олиш
3	Танлов рақами:	http://etender.uzex.uz/ веб сайтида эълон қилмнди.
4	Бюртмачининг манзили:	Андижон вилоят Мархамат туман Мустақиллик кўчаси №137 ШХВ: 401722860032277092100072040 МФО: 00035. ИНН:200286343. Ўзбекистон Республикаси МВ ғазначилик бўлими х/р: 2340200030010001010 Мрказий банк Тош.шах. ББ ХККМ МФО: 00014. ИНН: 201122919 Тел:+99891 483 01 51
5	Танлов эълонлари эълон қилинди	Махсус маълумот портали: http://etender.uzex.uz .
6	Иштирокчилар танловда иштирок этишларига рухсат этилади:	Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ
7	Талаб этиладиган хужжатлар:	Ташкилот гувоҳномаси, лицензия, низоми.
8	Иштирокчиларнинг танлов хужжатларига аниқлик киритиш учун ариза топшириш муддати:	Танлов таклифни топшириш муддати 2 кун олдин.
9	Танлов таклифни амал қилиш муддати:	Танлов таклифлари тутаган кундан бошлаб 5 кун.
10	Танлов таклифларини қабул қилиш:	Таклиф юбораётган ташкилот умумий маълумот банкротлик, қайта ташкил этиш ёки тугатиш босқичида эмаслигини маълумотнома тасдиқловчи қафолат хати. Коррупция ҳолатига йўл қўймаслиги тўғрисида иштирокчининг ёзма тасдиқланган аризаси. Қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумот. Таклиф юбораётган ташкилот иш тажрибасига (шартномалар илова қилиши шарт) эга эканлиги тўғрисида маълумот: Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги. Қафолат хати. Охриги йиллар молиявий ҳолати тўғрисида маълумот. Фирма раҳбар ходимлари ва ишчилари паспорти, дипломи сканер қилиб жойлансин.

11	Танлов танлов таклифларини тақдим этиш:	Танлов ҳужжатларини электрон тарзда тўлиқ жойлаштириш.
12	Шартнома бажариш учун хавфсизлик миқдори:	Олдиндан 30% аванс сифатида, қолган 70% барча шартномавий мажбуриятлар бажарилгандан кейин.
13	Буюртмачининг дастлабки бошланғич нархи.	297 100 000 (Икки юз туксон етти миллион бир юз минг) сўм
14	Танлов тили:	Ўзбек тили
15	Молиялаштириш манбаи:	Давлат Бюджети ҳисобидан
16	Шартнома валютаси:	Сўм

МУНДАРИЖА

- I-боб. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома
- II-боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар
- III-боб. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби
- IV-боб. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби
- V-боб. Энг яхши таклифларни танлашда натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби

Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома

Мазкур энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда танлаш деб юритилади) бўйича харид қилиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган 684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда –Қонун), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида ги низомга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Энг яхши таклифларни танлаш орқали давлат харидларида иштирок этиш босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Электрон танлов ва тендер савдоларида етказиб берувчи сифатида қатнашиш учун аввал махсус ахборот порталининг <http://etender.uzex.uz>/веб-сайтида рўйхатдан ўтиш керак бўлади. Етказиб берувчи тизимда фақатгина электрон рақамли имзодан (ЭРИ) фойдаланиб рўйхатдан ўтиши мумкин бўлади.

2. Тизимда рўйхатдан ўтиш жараёни тугаллангандан сўнг, Ҳисоб-китоб клиринг палатасида мижоз учун шахсий кабинет очилади.

3. Электрон танлов ва тендер тизимида рўйхатдан ўтгандан сўнг, етказиб берувчи Ҳисоб-китоб клиринг палатасига аванс тўлови ва операторнинг воситачилик йиғимига етарли даражада маблағ киритиши зарур.

4. Етказиб берувчи электрон танлов ва тендерда иштирок этиш учун зарур лотни сайтдан қидириб топиш керак.

5. Етказиб берувчи ўзи етказиб бериши мумкин бўлган товар бўйича буюртмаларни қидираётганда, товарнинг етказиб бериш шартлари, унинг спецификаси ва буюртмачининг алоҳида талабларини кўздан кечириши лозим.

6. Электрон танлов иштирокчисида танлов (тендер) ҳужжатлари бўйича саволлар юзага келадиган бўлса буюртмачига очиқ электрон чат орқали танлов (тендер) таклифларини бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин мурожаат қилиши мумкин бўлади.

7. Танлов (тендер) билан батафсил танишиб чиқилгандан сўнг агар иштирокчи айнан ўзи батафсил танишиб чиққан танлов (тендер) бўйича савдода иштирок этишни истаса, танлов (тендер)да иштирок этиш учун таклифлар киритади.

8. Танлов ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равишда:

- танлов таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра энг қўп балл тўплаган иштирокчини (балларни баҳолаш усулидан фойдаланганда);

- электрон танловда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) қолиб сифатида аниқлайди.

9. Электрон тизим зарур ҳолларда заҳира қолибини аниқлайди.

10. Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.

II -боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

Мазкур танлашда давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган юридик шахси иштирок этиши мумкин.

Иштирокчиларга қўшимча талаблар қўйиладиган давлат харидида иштирок этиш учун иштирокчилар дастлабки малака танловидан ўтади.

Харид комиссияси дастлабки малака танловини ўтказди (танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилган бўлса) ва унинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда иштирокчиларни таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш юзасидан қарор қабул қилади.

Дастлабки малака танлови харид қилиш ҳужжатларини 1-иловасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Дастлабки малака танловидан ўтмаган иштирокчиларни таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

таклифларни таъминлаш учун закат маблағлари тўлиқ миқдорда ўтказилганлиги; техник топшириққа доир талабларга мос келувчи таклифлар мавжудлиги; шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги; солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги; ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва иш тажрибасига эгалиги;

имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисобрақамлари рўйхатдан ўтказилмаганлиги;

таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;
манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;
иштирокчиларнинг жорий буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича судда иши кўрилганлиги.

Иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси таклифларни танлаш бўйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар харид комиссиясига ўтказилаётган танлаш юзасидан тушунтириш бериш бўйича сўров юборишга ҳақли.

Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар ушбу сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришларни юборади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Ушбу танлашни ўтказишда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади.

Дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби

Дастлабки малака танлови харид қилиш тартиб-таомилининг бир қисми бўлиб, унинг натижаси давлат харидлари тўғрисидаги шартномани тузиш учун асос ҳисобланмайди.

Дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари барча учун бир хил ҳисобланади ҳамда давлат харидларининг асосий принципларига зид бўлмаслиги лозим.

Танлаш бошланишидан олдин харид комиссияси иштирокчиларнинг малакавий танловини ўтказади. Танлашнинг кейинги босқичида фақат малака танловидан ўтган иштирокчилар иштирок этишлари мумкин.

Дастлабки малака танловини ўтказиш учун талабгорлар харид қилиш ҳужжатларининг 2- иловасида кўрсатилган ҳужжатларни давлат харидларининг электрон тизимига бириктириши лозим.

Малака ҳужжатлари талабгор томонидан танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда ва харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида иштирокчининг таклифлари билан бирга электрон тизимга жойлаштирилади..

Талабгорнинг тақдим қилган ҳужжатларининг тўлиқлиги харид комиссиясининг маъсул котиби (бундан буён матнда котиб деб юритилади) томонидан ўрганилади.

Бунда, котиб томонидан уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда иштирокчилар тақдим қилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ҳамда иштирокчилар ҳақидаги қуйидаги маълумотлар ўрганилади:

Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги маълумотлар (ёки бошқа мамлакатларнинг ўхшаш манбалари);

иштирокчи фаолиятнинг лицензияланадиган тури билан шуғулланганда, унинг “Лицензия” ахборот тизими ёки лицензияловчи органларнинг расмий сайтларидаги лицензиялар реестрида мавжудлиги;

иштирокчиларнинг махсус ахборот порталида инсофсиз ижрочилар реестрида, шунингдек тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи миқдорини камайтириш ҳуқуқини суинистёмол қилган корхоналар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

иштирокчининг ишбилармонлик обрўси тўғрисидаги, шу жумладан иштирокчиларнинг расмий веб-сайти, оммавий-ахборот воситалари, у аъзо бўлган тармоқ уюшмалари ва бирлашмалари ҳамда бошқа Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт ва тегишли ахборот тизимлари орқали олинган маълумотлар.

Котиб томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари харид комиссиясига тақдим этилади ва харид комиссиясининг йиғилишида кўриб чиқилади

Харид комиссияси қуйидагиларни кўриб чиқади ва баҳолайди: котиб

томонидан тақдим этилган ўрганиш натижаларини;

иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва иш тажрибаси;

иштирокчиларнинг молиявий ҳисоботлари, шунингдек солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисобрақамлари рўйхатдан ўтказилганлиги ёки ўтказилмаганлиги;

таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;

манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги; иштирокчиларнинг жорий буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз

зиммасига олган мажбуриятларнинг ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича судда иши қўрилганлиги;

иштирокчиларга нисбатан банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.

Иштирокчиларнинг малака танловини ўтказишда қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга йўл қўйилмайди ва таклифлари қўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди:

- малака танлови учун зарур ҳужжатлар тўпламини ўз вақтида топширмаган иштирокчилар;

- закат маблағларини тўлиқ миқдорда ўтказиб бермаган иштирокчилар (харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинганда);

- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган;

- буюртмачига нисбатан суд ёки арбитраж муносабатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган иштирокчилар;

- имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) рўйхатдан ўтказилган ёки мазкур ҳудудларда банк ҳисобрақамлари очган иштирокчилар;

- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган;

- манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;

- харид комиссияси томонидан ишчи-ходимлар малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан махсус фаолият бўйича тажрибаси, иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ёки етказиб етказиб салоҳияти ва/ёки қуввати етарли эмас деб топилган иштирокчилар;

- илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган иштирокчилар.

Малакавий баҳолаш мезонлари харид қилиш ҳужжатларини 4-илоvasида келтирилган. Дастлабки малака танлови натижалари харид комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Харид комиссияси баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан дастлабки малака танловидан ўтмаган иштирокчиларнинг таклифларини рад этиш сабабларини қўрсатган ҳолда уларни хабардор қилади.

Дастлабки малака танловидан ўта олмаган иштирокчиларнинг техник ва нархга оид таклифлари қўриб чиқилмайди ва иштирокчиларга қайтариб берилади ва бу ҳақида иштирокчиларни таклифларини рўйхатга олиш китобида таклифларни қайтариб юбориш санаси ва вақти қайд этилади.

Малака ҳужжатларининг РЎЙХАТИ

1. Ташкилотнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг танлаш иштирокчисини муҳри билан тасдиқланган нусхаси.

2. Закалат киритилганлигини тасдиқловчи тўлов топшириқномасининг нусхаси ёки банк қафолатининг асл нусхаси (харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинганда).

3. Молиявий ҳисоботлар (ташқи аудитор ташкилотлар томонидан тасдиқланган ёки солиқ органлари томонидан қабул қилинганлиги тасдиқланган ҳолда);

4. Иштирокчиларнинг ишбилармонлик обрўсини (ишчи-ҳодимлари малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан махсус фаолият бўйича тажрибаси) тасдиқловчи ҳужжатлар ;

5. Ташкилот (компания) раҳбарининг танлашда иштирок этиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, унинг ваколатли вакили номига ишончнома тақдим этиш талаб этилади. Бундай ишончнома қуйидагиларни амалга ошириш ваколатини беради:

- ҳужжатларни тақдим этиш;
- харид комиссияси йиғилишларида қатнашиш;
- таклифи бўйича тушунтиришлар бериш.

6. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида Давлат солиқ инспекциясининг маълумотномаси.

7. Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза (харид қилиш ҳужжатларига 10-илова).

** Иштирокчилар ўз хоҳишига кўра фаолиятига доир қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиши мумкин.*

Дастлабки малака танловини ўтказишга
ТАЛАБНОМА

Маълумотлар номи	Тўлдириш учун
1. Умумий маълумот	
Юридик шахнинг тўлиқ номи	
Ташкилий-ҳуқуқий шакли	
Солиқ тўловчининг идентификация рақами/коди	
Тадбиркорлик фаолияти турлари (барча лицензияланган фаолият турлари кўрсатилсин)	
ИФУТ (агар қўллаш мумкин бўлса)	
Мақоми (ишлаб чиқарувчи, дилер, бошқа)	
Веб-сайти	
Электрон алоқа манзили	
2. Юридик манзил	
Мамлакат	
Худуд/вилоят	
Туман	
Шаҳар/аҳоли пункти	
Почта индекси	
Кўча	
Уй	
3. Ҳақиқий манзил	
Мамлакат	
Худуд/вилоят	
Туман	
Шаҳар/аҳоли пункти	
Почта индекси	
Кўча	
Уй	
4. Банк реквизитлари	
Асосий х/р, валюта х/р	
МФО / Банк коди	
Банк номи	
Банк манзили	
5. Қўшимча маълумотлар	
Бажарган ишлари ва лойиҳаларини кўрсатган ҳолда фаолиятини тавсифлаш	
Ходимларнинг умумий сони	
Устав капиталининг қиймати	
6. Талабгор тажрибаси тўғрисида маълумот	
Бозорда маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни етказиб бериш тажрибаси (йил)	
Охириги 3 йил давомида маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни етказиб беришда буюртмачилар томонидан билдирилган мулоҳазалар	

Маълумотлар номи	Тўлдириш учун
7. Молиявий баҳолашни амалга ошириш учун маълумот	
Охирги 3 йил давомидаги сотув ҳажми (йил кесимида)	
Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликлар	
- <i>шундан: муддати ўтган қарздорликлар</i>	
8. Юридик баҳолашни ўтказиш учун маълумот	
Талабгор фаолиятининг умумий даврида етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) сифатида тузилган шартномалар сони ва жами суммаси	
- <i>шундан: шартномалар бўйича мажбуриятларни ижро этмаслик ҳолатлари мавжудлиги (агарда мавжуд бўлса, сабабларни тавсифлаш)</i>	
Сўнгги 3 йилда судда қўрилган ишлар мавжудлиги	

Изоҳ:

1. Талабгор барча маълумотларни тасдиқлайди ва тақдим қилинган маълумотлар ишончилиги учун жавобгар ҳисобланади.

Раҳбар

(муҳр)

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Малакавий баҳолаш мезонлари

Малакавий баҳолаш харид комиссияси томонидан танлаш бошлангунга қадар амалга оширилади. Агар талаб этилган ахборот иштирокчи томонидан тақдим этилмаса, харид комиссияси иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлашга ҳақли.

№	Мезон	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Мезон №1. Иштирокчи ҳақида умумий маълумот(2-шакл Ҳужжат тақдим этиш шарт)	Мавжуд/мавжуд эмас	Иловадаги саккиз хил турдаги ҳужжатларга ҳар бир учун 3 баллдан баҳо берилади Мавжуд бўлмаса иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.
2.	Мезон №2 Молиявий барқарорлик. Корхонанинг сўнгги охирги йилдаги молиявий натижаларини таъминлаш (3-шакл Ҳужжат тақдим этиш шарт)	Талабга жавоб беради/талабга жавоб бермайди	Иловадаги беш хил турдаги ҳужжатларга ҳар бир учун 3 баллдан баҳо берилади Агар талабга жавоб бермаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилиқ овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин
3.	Мезон №3 Иштирокчининг охирги йил давомида бажарган ишлари ҳақида маълумот (5- шакл Ҳужжат тақдим этиш шарт)	Талабга жавоб беради/талабга жавоб бермайди (<i>иштирокчи маблағларининг йиллик айланмаси суммаси танлашнинг бошланғич қиймати суммасидан кам бўлиши мумкин эмас</i>)	Иловадаги уч хил турдаги ҳужжатларга ҳар бир учун 3 баллдан баҳо берилади Агар талабга жавоб бермаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилиқ овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин
4.	мезон 4 Коррупцион ҳолатларга йўл қуйилмаслиги тўғрисида иштирокчининг ёзма тасдиқланган аризаси (10 шакл ҳужжатни жойлаштириш шарт)	Ҳа/йўқ (<i>иштирокчининг кафолатхати ва бюртмачидан олинган маълумот асосида баҳоланади</i>)	Иловадаги бир хил турдаги ҳужжатларга ҳар бир учун 10 баллдан баҳо берилади Агар ҳа бўлса, иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.
5.	мезон 5 Таклиф етилаётган товарлардан намуналар фото лавҳалар маҳсулот омборда	Ҳа/йўқ (<i>иштирокчининг кафолатхати ва бюртмачидан олинган маълумот асосида баҳоланади</i>)	Иловадаги бир хил турдаги ҳужжатларга ҳар бир учун 10 баллдан баҳо берилади .Агар ҳа бўлса, иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

	борлиги туғрисида малумотнома		
6.	мезон 6 Иш кучи ва иш тажрибаси. Тажрибали ва малакали ходимлар мавжудлиги (2-шакл тақдим этилиш шарт)	Ҳа/йўқ	Иловадаги уч хил турдаги хужжатларга ҳар бир учун 3 баллдан баҳо берилади Агар ҳа бўлса, иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.
7.	мезон №7 Кафолат хати.	Мавжуд/мавжуд эмас	Иловадаги бир хил турдаги хужжатларга ҳар бир учун 10 баллдан баҳо берилади Мавжуд бўлса иштирокчи
			танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.
8.	мезон №8 Буюртмачилар томонидан берилган тавсифномалар	Мавжуд/мавжуд эмас (иштирокчининг кафолат хати ва тақдим этилган маълумотлар асосида баҳоланади)	Иловадаги икки хил турдаги хужжатларга ҳар бир учун 9 баллдан баҳо берилади Мавжуд бўлса иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

III-боб. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби

Танлаш таклифи ҳамда иштирокчи ва буюртмачи ўртасида амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва хужжатлар давлат тилида ва заруратга кўра бошқа тилларда тайёрланиши мумкин.

Иштирокчиларни таклифи матни бир нечта тилда расмийлаштирилиши натижасида матн талқинида тафавутлар юзага келган тақдирда, ўзбек ёки рус тиллари устунликка эга бўлади.

Техник хужжатларни инглиз тилида тақдим этилишига ҳам рухсат берилади. Бунда хужжатнинг ўзбек ёки рус тилидаги аниқ таржимаси тақдим этилиши шарт.

Буюртмачи танлаш иштирокчиларидан харид қилиш хужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтириш бериш тўғрисида сўров олганидан кейин сўралган тушунтиришларни икки иш куни ичида тақдим этади.

Иштирокчи хужжатлар тўпламини электрон конвертларда топшириши керак. Иштирокчи таклифини электрон конверт кўринишида шахсий кабинети орқали эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этишлари лозим..

Иштирокчининг таклифининг ажралмас қисми бўлган электрон хужжатлар оператор томонидан белгиланган намунавий шакллар асосида тақдим этилади. Давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилган таклиф иштирокчининг ЭРИси билан тасдиқланади.

Таклиф билан биргаликда иштирокчи эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа хужжатларни файл сифатида жойлаштириши мумкин.

Бунда иштирокчининг таклифи давлат харидларининг электрон тизимидаги намунавий шаклларга мувофиқ хужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчининг танлаш таклифидаги маълумотлар бириктирилган хужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

Таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар иштирокчилар, шунингдек, харид комиссияси

масъул котиби ва аъзолари томонидан қўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.

Иштирокчи:

- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;
- фақат битта таклиф беришга ҳақли;
- таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Танлаш таклифида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

товар ишлаб чиқарувчи завод томонидан берилган ишончноманинг асл нусхаси (агар танлаш иштирокчиси таклиф этилаётган товар ишлаб чиқарувчиси бўлмаса);

маҳаллий ишлаб чиқарувчи эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

ушбу харид қилиш ҳужжатларини 7-иловасидаги шаклга мувофиқ таклиф қилинган маҳсулот учун техник топшириққа доир талабларнинг қиёсий жадвали;

асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи заводларнинг Ўзбекистон Республикасида расмий ваколатли хизмат кўрсатиш марказларининг мавжудлиги тўғрисида хат ёки бошқа ҳужжатнинг асл нусхаси, манзил ва бошқа алоқа

маълумотларини (телефон, факс, электрон почта, веб-сайт) кўрсатган ҳолда;

техник ҳужжатлар (тақдим этилаётган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган рисоалар ёки бошқа ҳужжатлар).

Танлашнинг нарх бўйича таклифи харид қилиш ҳужжатларини 6-иловасидаги шаклга мувофиқ тақдим этилади.

Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда давлат харидларининг электрон тизими таклифларни қабул қилишни тўхтатади.

Иштирокчи харид қилиш ҳужжатларидаги талабларни тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига очик электрон чат орқали таклифларни бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин сўров юборишга ҳақли.

Давлат буюртмачиси сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида ушбу сўровга очик электрон чат орқали тушунтириш юбориши шарт. Харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Давлат буюртмачиси томонидан таклифларнинг таъминланиши зарурлиги белгиланган тақдирда, иштирокчи таклифи юборилгунига қадар таъминотнинг мақбуллигини тасдиқлаш

тўғрисида очик электрон чат орқали сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўровга бир иш куни ичида жавоб беради.

Белгиланган муддат тугаганидан кейин тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилмайди. Танлаш таклифи харид ҳужжатларида белгиланган муддат давомида амал қилади.

Иштирокчиларнинг танлаш таклифининг амал қилиш муддати танлаш таклифлари тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб камида 90 кунни ташкил этиши керак.

Харид комиссияси танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор харид комиссиясининг мажлисларида қабул қилинади.

IV -боб. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби

Закалати таъминланмаган иштирокчиларнинг таклифлари харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди (харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилган бўлса).

Танлаш харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради.

Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда давлат харидларининг электрон тизимидаги тўлдирилиши мажбурий бўлган электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

. Давлат харидларининг электрон тизими иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонлар тўлдирилмаган бўлса ёки бириктирилиши мажбурий бўлган файллар мавжуд бўлмаса, давлат харидларининг электрон тизими рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

Агар таклифни киритган танлаш иштирокчиси Қонунда белгиланган талабларга мос келмаса ёхуд танлаш иштирокчисининг таклифи харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмаса, харид комиссияси таклифни рад этади.

Агар танлаш таклифи Қонуннинг ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлаш таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

Иштирокчининг танлаш таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.

Танлаш ғолибини аниқлаш учун танлаш таклифларини баҳолаш танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган мезонлар ва усул асосида амалга оширилади.

Баҳолаш пайтида харид комиссиясининг масъул котиби иштирокчиларидан таклифлари бўйича тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор- бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

Танлаш таклифи танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари билан белгиланган муддат мобайнида кучда қолади.

Танлаш иштирокчилари таклифларини турли валюталарда тақдим этган ҳолларда, баҳолаш жараёнида таклиф қиймати конверт очилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ягона валюта курси бўйича қайта ҳисобланади.

Арифметик ёки бошқа хатоликлар аниқланган тақдирда харид комиссияси иштирокчиларини хабардор қилган ҳолда, таклифини рад этиш ёки келгусида кўриб чиқишнинг бошқа шартларини белгилаб беришга ҳақли.

Чет эллик ва маҳаллий иштирокчиларнинг таклиф этаётган нархларини объектив тарзда таққослаш мақсадида баҳолаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тегишли харажатлар ҳисобга олинади (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар).

Танлашда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига кўра ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларни баҳолашда чет эллик етказиб берувчилар томонидан таклиф этилган нархдан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференциялар берилиши мумкин.

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб- таомилининг исталган босқичида танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

Иштирокчиларнинг таклифлари харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш мақсадида харид комиссияси комиссия аъзолари ва мустақил экспертлардан, тор доирадаги мутахассислардан иборат бўлган ишчи гуруҳ тузишга ҳақли.

Келиб тушган таклифлар харид комиссияси ёки мутахассислар иштирокидаги ишчи гуруҳи томонидан кўриб чиқилиб, баҳоланиши мумкин. Бунда, ишчи гуруҳи томонидан баҳоланганда харид комиссиясига ҳулоса шаклидаги ҳисобот тақдим этилади. Редакция ташкил этиш ва баҳолаши мумкинлиги.

Харид комиссияси иштирокчиларни таклифларини харид қилиш ҳужжатларида белгиланган техник хусусиятларга доир талабларга мувофиқлигини харид қилиш ҳужжатларини 7-иловасида кўрсатилган мезонлар бўйича баҳолайди.

Давлат харидларини амалга оширишда экологик муҳитни яхшилашга қўмаклашиш ёки атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирни камайтириш мақсадида иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва ижрочини аниқлаш жараёнида энергия самарадорлиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик жиҳатдан мақбул материаллардан ҳамда иккиламчи хом ашёдан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш каби мезонлардан ва харид қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) экологик мақбуллигини баҳолашга оид бошқа омиллардан фойдаланилиши мумкин. Бунда таклифларни баҳолаш жараёнида иштирокчиларга қўшимча балл белгиланиши мумкин.

Танлаш таклифининг миқдорий кўрсаткичларини, шу жумладан нарх қисмини баҳолаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

Танлашда нархи бошланғич нархдан ошган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.

Харид комиссияси ҳолибни аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш ҳужжатларида қайд этилган мезонлар асосида баҳолашни амалга оширади. Харид комиссияси иштирокчиларни нарх таклифини харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини харид қилиш ҳужжатларини 8-иловасида кўрсатилган мезонлар бўйича баҳолайди.

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда:

танлаш таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда);

танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра танлашда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ҳолиб сифатида аниқлайди.

Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса (балл усулидан фойдаланганда) ёки бир хил нарх таклиф қилган бўлса (энг паст нарх усулидан фойдаланганда), танлаш таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчи ҳолиб деб топилади.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ҳолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ҳолиб аниқланиши мумкин.

Танлаш таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари давлат харидларининг электрон тизимида автоматик равишда шакллانган дастлабки электрон баённомада қайд этилади ва танлаш ўтказиш бўйича харид комиссияси аъзолари томонидан ЭРИдан фойдаланган ҳолда имзоланади.

Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш баённомасида харид комиссияси таклифларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган танлаш иштирокчилари ҳақидаги ахборотларни қайд этади.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Иштирокчиларнинг таклифни таъминлаш маблағи, ғолиб аниқлангандан сўнг икки иш куни мобайнида қайтарилади.

Ғолиб иштирокчининг таклифни таъминлаш маблағи, шартнома шартлари тўлиқ бажарилгандан сўнг икки иш куни мобайнида қайтарилади.

VI-боб. Энг яхши таклифларни танлаш натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби

Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вақтдан бошлаб ўн иш кунлик муддатдан кечиктирмасдан тузилади.

Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

Танлаш ўтказиш натижаларига қўра шартнома электрон шаклда тузилади, томонларнинг ЭРИСи билан тасдиқланади ҳамда шартномаларнинг ягона реестрига киритилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш ҳужжатларини 11-илоvasида кўрсатилган шаклда тузилади.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Танлов иштирокчисининг номи _____

Танлов иштирокчиси раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми _____

Манзили ва телефон (факс) рақами _____

Юридик мақоми _____

Тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйруқ рақами) _____

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) _____

Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:

Т/р	Ф.И.О.	Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Асосий ходимлар (участка, бўлим бошлиқлари, иш юритувчи, уста, ишлаб чиқариш бўлими муҳандислари ва бошқалар)

Т/р	Ф.И.О.	Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги , диплом рақами ва берилган санаси)	иш тажрибаси (йил)	Участка (бўлим) номи, эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Доимий ишчи ходимлар (ишчилар)

Т/р	Мутахассисликлар номи	Жами сони, шу жумладан мутахассисл иклар ва разрядлар бўйича	Улардан (3- устундан) малакасини тасдиқловчи ҳужжати борлар	Улардан (4- устундан) ишда 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси борлар
1	2	3	4	5
	Жами			
	Шу жумладан:			
	ва бошқалар			

Кадрлар бўлими бошлиғи:

/имзова муҳр/

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси:

Тузилган сана: “_____” _____20____й.

Изоҳ: Танлов иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги статистика ҳисоботларининг нусхалари ҳамда ишчи ходимлар учун ушбу ташкilotда камида 1 йиллик доимий иш фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

(Шаклга кейинги 3 йилдаги молиявий натижалар ва бухгалтерия баланслари ҳақидаги ҳисобот илова қилинади)

(танлов иштирокчисининг номи)							
АКТИВЛАР	20__ й	20__ й	20__ й	ПАССИВЛАР	20__ й	20__ й	20__ й
Ўзқ муқддатли активлар				Ўз маблағлари манбаи			
Асосий воситалар				Устав фонди			
Шундан Ишлаб чиқариш фондлари				Таксимланмаган фойда			
Қолдиқ қиймат				Мажбуриятлар			
Капитал қуйилмалар				Займлар			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				Кредитор қарздорлик			
Жорий активлар				Шундан муқддати ўтган қарздорлик			
Айланма маблағлар				Шундан бюджетдан қарздорлик			
Улардан ишлаб чиқариш захиралари				Шундан иш ҳақидан қарздорлик			
Дебитор қарздорлик							
Шундан муқддати ўтган қарздорлик							
Жами баланс активи бўйича				Жами баланс пассиви бўйича			

МОЛИЯВИЙ НАТИЖА

Номи	20__ й	20__ й	20__ й	Номи	20__ й	20__ й	20__ й
1. Реализациядан олинган тушум				8. Соф фойда			
2. Реализациядан олинган соф тушум				Шундан асосий фаолият бўйича			
3. Реализация килинган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннари							
4. Маъмурий харажатлар				Умумхўжалик фаолият бўйича			
5. Бошқа харажатлар				9. Асосий фаолиятдан олинган фойда			
6. Даромад солиғи тўловига фойда				10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда			
				11. Зарар			
				шундан			

7. Даромад солиғи				асосий фаолиятдан			
				умумхўжалик фаолиятдан			

Баланс фойдаси _____

Охирги 3 йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб борилганми?

**Танлов иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида
маълумот**

СТ ИР	Қурил иш ташки лоти тоифас и	Ташкилот томонидан ўтган йил (20_____йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия баланси (Ф-1) ҳисоботи кўрсаткичлари										
		Асоси й восита лар қолди қ (балан с) қийма ти Ф-1, 012- сатри	Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффиц иенти (1,25) =9/(10-11)	бухгалтерия баланси (Ф- 1) бўйича кўрсаткичл ар			Ўз айланма маблағлари билан таъминланг анлик коэффицие нти (020) =(13+14+15- 16)/17	бухгалтерия баланси (Ф- 1) бўйича кўрсаткичлар				
				39 0- са тр	77 0- са тр	49 0- са тр		48 0- са тр	57 0- са тр	58 0- са тр	13 0- са тр	39 0- са тр
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Қоплаш коэффициентни (тўловга қодирлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у фақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайганлигидан далолат беради.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$\frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{бунда:}} = \frac{A2}{K_{пл}} = ,$$

Жорий мажбуриятлар

П2 - ДО

A2 - жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу кабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

П2 - мажбуриятлар, баланс активининг II бўлими, 770-сатр;

ДО - узоқ муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{ос} = \frac{(П1 + Дзк2) - A1}{A2} , \text{ бунда:}$$

A1 - узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қуйилмалар ва шу кабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

П1 - ўз манбалари маблағлари (устав капитали, захира капитал, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва шу кабилар), баланс пассивининг I бўлимининг якуни, 480-сатр;

Дзк2 - узоқ муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрларидан ҳисоблаб чиқиш йўли билан).

Ушбу қасрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг қанча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, маҳраж - барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати - 0,2.

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган деб ҳисобланади.

Раҳбар _____

Бош ҳисобчи _____

муҳр

Сана: « _____ » _____ 20 ____ й.

Изоҳ: Танлов иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари таркибида аудитор компаниясининг ижобий хулосасини тақдим этиши мумкин. Баланс ҳисоботларининг нусхалари тақдим этилиши шарт.

4- ШАКЛ

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ИШ ҲАҚИ ЖАМҒАРМАСИ ВА ҲОДИМЛАР ЎРТАЧА СОНИ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ

Давр	СТИР	Маҳсулот (товар ва хизмат)ларни реализациясидан соф тушум (Ф-2, 010-сатри), минг сўмда	Иш ҳақи жамғармаси, минг сўмда	Ходимларнинг ўртача сони (ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи ҳисобланган ходим сонидан келиб чиқиб)
1	2	3	4	5
Х		Х	Х	Х
Ўтган йил (20 ____ йил) якуни бўйича	Х			
Жорий йил (20 ____ йил) охириги ҳисобот даври бўйича	Х			
Жами	Х			

шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи _____

шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси _____

камерал назорат бўлими бошлиғи _____

5- ШАКЛ

ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ

(танлов иштирокчисининг номи)

Т /р	Объект номи, пудрат шартномаси суммаси, ишларнинг бошланиш ва яқунланиш санаси	Буюртмач и номи	Бажарилган ишлар суммаси	Шундан йиллар бўйича		
				20__й.	20__й.	20__й.
	Жами:					

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “_____” _____ 20__й.

Тасдиқланган: _____
(бош ҳисобчи имзоси)

Изоҳ: Маълумотлар Танлов иштирокчиси томонидан ҳар бир объект бўйича ишлар тури бўйича мустақил тўлдирилади ва бажарилган ишлар далолатномаларининг нусхалари билан тасдиқланади.

**КОРРУПЦИЯ КЎРИНИШЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БЎЙИЧА
АРИЗА**

Мен, (*харид тартиб-таомили иштирокчисининг номи кўрсатилади*) товар етказиб бериш учун (*таклиф этилаётган товар турлари кўрсатиб ўтилади*) ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик мажбуриятини оламан.

Мен коррупциянинг куйидаги кўринишларига йўл қўймасликни кафолатлайман:

- Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;
- ўз мансаб ёки хизмат мавқеимдан шахсий манфаатларимни ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш;
- танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини қонунчиликка зид тартибда расмийлаштириш;
- танлаш бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини қонунчиликка зид тартибда амалга ошириш;
- давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказиш, жумладан, пора беришни таклиф қилиш, ваъда бериш, товламачилик қилиш, пора сифатида пул тўлаш, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш;
- манфаатлар тўқнашувига;
- танлашда иштирок этаётган бошқа иштирокчилар билан тил бириктириш;
- ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолатлари аниқланган тақдирда қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилишга розилик билдираман.

Раҳбарнинг Ф.И.Ш.:

Телефон/факс рақами: _____

Электрон почта манзили: _____

ЭРИ:

-